МУСИҚА УСЛУБЛАРИ

Тимурман Менлимуратов – *ўқитувчи*
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали
“Халқ ижодиёти” кафедраси

Таянч сўзлар: мусиқа услуби, услубий хусусиятлар, мусиқа жанри, миллий услуб, ижро услуби, мусиқа маданияти.

Ключевие слова: музыкальный стиль, стилистические особенности, музыкальный жанр, национальный стиль, исполнительский стиль, музыкальная культура.

Key words: musical style, stylistic features, musical genre, national style, performance style, musical culture.

Хозирги замон ўзбек халқ мусиқа ижодиёти серқирралиги, жанр хусусиятларининг кўлами кенглиги, услубан бой ва ранг-баранг кўринишларга эгалиги билан тобора ривожланаётганлиги эътироф этилади. Зотан, мусиқий мерос жуда қадим илдизга эга. У ўзининг бетакрор ва ноёб ижрочилик мактаблари, анъаналари, ижрочилик услубиёти, маҳаллий хусусиятлари билан устоздан-шогирдга ўтиб келаётганлиги, қолаверса, давр, замон ўзгаришларида халқнинг тажрибалари асосида янада сайқаллашиб, янгидан-янги йуналиш, шакл, жанр, турли услублари билан янада бойиб, халқнинг миллий узлигини англашда мусикий оҳанглари билан хизмат қилиб келмокда. Демак-ки, асрлар оша бизгача етиб келган мусиқий мерос бугунги кунда келиб, том маънода халқнинг улмас мулкига айланиб улгурди. Ҳар қандай саньат тури хар хил воситалар орқали ҳаётий воқеликни акс эттиришга қодир экан, сунгги юз йиллик мобайнида Ўзбекистон мусиқасининг ривожланиши нечоғлик мураккаб ва узгарувчан ижтимоий шароитларда кечганини яққол тасаввур қилиш қийин эмас. Хусусан, XX асрнинг 20-йиллардан эътиборан бастакорлик, кейинчалик композиторлик ижодиётига хос ифода воситаларининг изчил жорий этила бошланиши мусиқа мактаби ижодкорлигида янги тизимни барпо этилганлигини намоён этади.

Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти бастакорлик хамда халқ мусиқаси, фольклор анъаналари сингари узининг мусиқий қатламларига эга булган ҳолда миллий қадриятларга муҳим тармоқ сифатида аҳамият касб этиб келмокда. Умумбашарий маданий тараққиётга мос равишда мазкур жабха улкамизда тарихан жуда қисқа муддат ичида узил-кесил шаклланиб, самарали ривож топганини алоҳида эътироф этиш лозим. Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланиб қолмай, узгача яратувчанлик қонун - қоидаларини узлаштириш, уни ўзбек халқ мусиқасининг бой имкониятларидан фойдаланишда талаба-ёшларни тарбиялаш лозим бўлади. Замонавий мусиқа ижрочилигида эстрада асарларини яратиш, ривожланган жахон халқлари мусиқаси асосида ўзбек халқ мусиқа ижодиётида мутлоқо янги мусиқий жараён бошланди. Бу мусиқа чолғуларини хам четлаб утгани йуқ. Жумладан, хорижий мусиқа чолғулари уриб чалинадиган, пуфлаб чалинадиган чолғулар билан бир қаторда электрон мусиқа чолғулари кенг куламда қулланила бошланди. Бастакорлик ижодиёти билан бир қаторда композиторлик ижодиёти кенг ривожланди.

Бастакорлик ижодиёти ўзбек халқ мусиқа ижрочилигида жуда кадимдан шакпланиб, ривожланиб келган булсада, бирок, композиторлик ижодиёти асосан XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди ва у ана шундай ижодга мойиллик даражаси илгари айрича холда булган икки тоифадаги мусиқий тафаккур анъаналарининг ўлкамизда узвий муштараклигига эришилганлиги билан ҳам изохланади. Шу боисдан кўп овозлик услуб ила бунёд этилган турли жанрлардаги бадиий жиҳатдан баркамол, мумтоз асарлар маънавий кадриятларимизнинг жахоншумул салоҳияти янада оширди. Мусиқий маданиятимизда мутлоқо янги йуналиш хисобланган ўзбек симфоник мусиқаси XX асрнинг 70-80 йилларида хар жиҳатдан ривожланган ва ўз йуналишини белгилаб олган мусиқа жанри сифатида пешқадам сафга чиқиб олди. Шу уринда Республикамизда ва қушни қатор хорижий мамлакатларда утказилган нуфузли маданий тадбирлар, концерт, кўрик-танлов ҳамда мусиқа фестивалларида катта муваффақият билан ижро этилган ўзбекона поэмалар, сюталар, увертюралар, фантазиялар, чолғу концертлар ва симфониялар халқаро

мусиқа жамоатчилиги диққат эътиборини қайта-қайта ўзига жалб қилди. Бугунги кунда ўзбек мусиқа санъати нафақат, бастакорлик, халқ мусиқаси фольклор кўринишида, балки композиторлик йуналишларида ҳам халқаро миқёсда тан олиниб, эътироф этилмоқда Бу маънода соф чолғу мусиқаси, хусусан, унинг анча мураккаб хисобланган симфоник мусиқа ижодиёти алоҳида эътиборга молиқ. Эндиликда республикамиз композиторлиги шунчаки енгил ва оддий мусиқа жанрларида ёзиш ва изланиш тажрибаларидан иборат булмай, балки миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган, қолаверса, халқнинг ижтимоий келиб чиқиш тарихини белгиловчи эпоси ва достонларини, мумтоз адабиёти ва шонли тарихи, халқ қаҳрамонлари, ноёб анъаналари, урф-одат, қадриятларини ўзида мужассам этган мумтоз мусиқий жанрга айланди. Юксак касб махорати, теран билимдонлик, нозик дид билан кўҳна миллий анъаиаларга таяниб яратилган асарларнинг умрбоқийлигини ана шу биргина ўзбек симфоник мусиқаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, XX асрнинг 30-йиллари иккинчи ярмида яратилган Алексей Козловскийнинг овоз ва симфоник оркестрига мослаштирилган эхтиросли “Тановар” поэмаси, “Лола” сюитаси, Рейнгольд Глиэрнинг “Фаргона байрами” шодиёна увертюраси тингловчиларга ҳамон олам-олам завқу шавқ бағишлаб келмоқда. Симфоник оркестр иштирокида ижро этишга мулжалланган ўлмас кашфиёт ҳисобланган мусиқа асарлари орасида Мутал Бурхоновнинг яккахон, хор ва симфоник оркестр учун “Алишер Навоийга касида”си, Мухтор Ашрафий, Сулаймон Юдаковларнинг катор симфоник асарлари, Дони Зокировнинг “Лирик поэма”си, Борис Надеждиннинг “Болаларга” сюитаси, Икром Акбаровнинг “Шоир хотирасига”, “Эпик поэма”лари, “Самарканд хикоялари” туркуми, Сайфи Жалилнинг “Самаркандномa” симфонияси, Тулкин Курбоновнинг симфоник куйлари, Мирсодиқ Тожиевнинг “Шоир севгиси” поэмаси ва 19 та мухташам симфониялари, Мирхалил Махмудовнинг 3 та симфонияси, Нурилла Зокиров, Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Хабибулло Рахимов, Бахрулло Лутфуллаев ва бошка ижодкорларнинг ютуклари ўзбек мусиқа маданиятини равнацига муносиб хисса булиб қўшилди.

Ўзбек халқ мусиқа санъати илдизларини жуда кадимги даврларда бориб такалиши хусусида Ўзбекистон саньатшунослик экспедицияси муаллифлари томонидан Эски Термиз атрофида ва колаверса, Далварзинтепа хамда Шимолий Бацтрия маданиятини урганиш буйича олиб борилган казилма ишларида топилган меъморий обидаларда тасвири туширилган мусиқа чолгуларнинг тарихи эрамиздан олдинги I-II минг йиликка бориб таадлишини курсатиб зпгган. Ўтган бу залворли даврлар мобайнида мусиқа маданияти жуда куп асрлардан буён узининг узок ва сермахсул ривожланиш даврларини босиб утиб, ахолининг маънавий бойлиги сифатида эзгулик ва тараккиёт учун хизмат килиб келмовда. Шу жихатлари учун хам биз жуда бой, ранг-баранг, тарихан узоқ ўтмишлардан акс садо берувчи кулами кенг, услубан хилма-хил, киймати чин маънода бебахо ва улугвор мусикий меросга эгамиз.

Фойдаланган адабиётлар

1. Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. Фарғона, 1997.
2. Бекматов С. Хафизлик санъати. Ўқув-услубий қўлланма. 2007й.

РЕЗЮМЕ. Мусиқанинг тарихий, маданий ва эстетик ривожланиш жараёнида шаклланган мусиқа услублари ҳақида умумий тушунча берилади. Мусиқа услуби - бу маълум бир давр, халқ, композитор ёки жанрга хос бўлган ифода воситалари, композицион техникаси, ритм, мелодия, оркестрлаш ва ижро оҳангининг ўзига хос йиғиндисидир.

РЕЗЮМЕ. Дается общее представление о музыкальных стилях, сформировавшихся в процессе исторического, культурного и эстетического развития музыки. Музыкальный стиль - это своеобразное сочетание средств выразительности, композиционной техники, ритма, мелодии, оркестровки и исполнительской интонации, характерных для определенного периода, народа, композитора или жанра.

SUMMARY. A general understanding of musical styles formed during the historical, cultural, and aesthetic development of music is provided. Musical style is a unique combination of expressive means, compositional techniques, rhythm, melody, orchestration, and performance intonation characteristic of a particular period, people, composer, or genre.